

# Ҳафталик бозор шарҳи

Маҳаллий ва глобал молия бозорлари



### Валюта бозори


Валюта жуфтлари	24 апрель ҳолатига кўра	Ҳафталик ўзгариш	Ойлик ўзгариш	Йиллик ўзгариш
USD/UZS	12 016,0	-1,2%	-1,4%	-6,7%
EUR/UZS	14 051,5	-1,9%	0,4%	-5,1%
CNY/UZS	1 758,3	-1,4%	-0,5%	-0,2%
RUB/UZS	160,3	0,6%	12,1%	1,2%
JPY/UZS	75,2	-1,7%	-1,8%	-18,0%



### Сўмнинг мустаҳкамланиши


Ўтган ҳафтада миллий валютанинг барқарор мустаҳкамланиш тенденцияси кузатилди: USD/UZS курси апрель ойи ўрталаридаги энг юқори қийматлардан ой охирига келиб **12 020** даражага тушди. Курснинг пасайиши УзРВБдаги савдо фаоллигининг ўзгарувчанлиги билан бирга кечди, бунда савдоларнинг максимал ҳажми **23 апрелда** (240 млн АҚШ доллари) қайд этилди. Умумий динамика хорижий валюта таклифининг ошиши фонида курснинг ўзгаришини кўрсатмоқда.

### Пул бозори



### Ликвидлик динамикаси

Ўтган ҳафта банк ликвидлиги барқарорлигича қолди: Марказий банкдаги корреспондент ҳисобварақларидаги қолдиқлар **16–20 трлн сўм** оралиғида бўлди, **24 апрель** ҳолатига кўра умумий жойлаштирилган ликвидлик эса **67,6 трлн сўм**ни ташкил қилди. Давр охирига келиб умумий ликвидлик ва мажбурий захираларни ўртача ҳисоблаш нормаси ўртасидаги фарқ **-2,1 трлн сўм**гача ўзгарди.



### Ставкалар барқарор

**UZONIA** ва дилерлараро **REPO** ставкаларининг асосий ставкадан пастга дивергенцияси тизимдаги ликвидлик профитситининг ўсиши билан боғлиқ. Банклараро бозорда ресурсларнинг ортиқча таклифи ва қисқа муддатли молиялаштиришга бўлган талабнинг етарли эмаслиги кўрсаткичларни **13,5-13,8%** оралиғида ушлаб турибди, бу эса банк сектори ичидаги юмшоқ пул-кредит шароитларидан далолат беради.

### Давлат қимматли қоғозлари бозори

Ғазначилик мажбуриятларини жойлаштириш бўйича аукцион савдолари **21 апрель** куни T+2 ва **23 апрель** куни T+0 тартибида ўтказилди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан **21 апрель** куни муомала муддати **1 йил** ва **3 йил** бўлган ДҚҚлар жойлаштирилди, уларнинг ўртача тортилган ставкаси мос равишда **11,80%** ва **12,96%** ни ташкил этди. **23 апрельдаги**, муомалада бўлиш муддати **1 йил** ва **3 йил** бўлган ДҚҚларни қўшимча жойлаштириш бўйича ўртача тортилган ставка мос равишда **11,80%** ва **12,83%** ни ташкил этди. Бундан ташқари, **23 апрель** куни Марказий банк облигацияларини жойлаштириш бўйича аукцион ўтказилиб, унда **28 та дилер** иштирок этди, келиб тушган буюртмаларнинг умумий ҳажми **65,2 трлн. сўм**ни, ўртача тортилган ставка **14,00%** ни ташкил этди.

Аукцион санаси	Ҳисоб китоб режими	Идентиф. Рақами	Муомала даври	Эълон қилинган ҳажм (минг дона)	Буюртмалар ҳажми (млрд. сум)	Қондирилган буюртмалар ҳажми (млрд. сум)	Ўртача тортилган ставка %
21.04.2026	T+2	24134UMFS	343	100	464	90	11,80%
21.04.2026	T+2	28042UMFS	1074	300	933	310	12,96%
23.04.2026	T+0	21232CBUSS	7	60 000	65 200	59 839	14,00%
23.04.2026	T+0	24134UMFS	343	40	36	36	11,80%
23.04.2026	T+0	28042UMFS	1074	300	1 205	310	12,83%


Режалаштирилган аукцион санаси	Ҳисоб китоб режими	Идентиф. Рақами	Муомала даври	Чиқарилиш ҳажми (минг дона)
28.04.2026	T+2	28042UMFS	1067	300

### ДҚҚнинг режалаштирилган аукционлари

**28 апрель** куни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **3 йиллик** Давлат қимматли қоғозлари аукциони T+2 ҳисоб китоб режимида ўтказишни режалаштирмоқда.

### Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ғазначилик мажбуриятларининг савдолари

Охири ўтказилган аукцион натижаларига кўра муомала муддати **3 йил** бўлган қимматли қоғозларнинг ўртача тортилган ставкалари **12,39%** дан **12,96%** гача кўтарилди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан чиқарилган ДҚҚларига бўлган талабнинг қисқа камайиши дилерлар томонидан мавжуд пул маблағларининг Марказий банк облигацияларига йўналтирилишига боғлиқ.




### Даромадлилик эгри чизиғи

ДҚҚ даромадлилик эгри чизиғи (миллий валютадаги қарз воситаларининг нархлари ва муддатлари ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи график) **22 апрель** ҳолати учун **3** ва **5 йиллик** давлат қимматли қоғозлари бўйича мос равишда **12,49%** ва **14,38%** ларни ташкил қилди. Даромадлилик эгри чизиғи келгуси иқтисодий шароитлар ва инфляциян жараёнлар тўғрисидаги кутилмаларни шакллантиришга имкон яратади ва муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.


## Валюта бозори

Валюта жуфтлари	24 апрель ҳолатига кўра	Ҳафталик ўзгариш	Ойлик ўзгариш	Йиллик ўзгариш
EUR/USD	1,1722	-0,36%	0,98%	3,60%
USD/RUB	75,25	-0,99%	-6,52%	-9,34%
DXY	98,53	0,44%	-0,91%	-1,31%
XAU/USD	4 709,3	-2,51%	5,25%	43,21%
USD/CNY	6,8363	0,27%	-0,82%	-6,18%
USD/JPY	159,38	0,47%	0,43%	11,10%




Евро АҚШ ва Эрон ўртасидаги музокараларда кутилаётган тараққиёт фонида **1,17** долларга қайтди, бу эса геосиёсий кескинликни пасайтирди ва инвесторларнинг таваккалчилик иштаҳасини қўллаб-қувватлади. Бозор, шунингдек, Европа Марказий банкнинг бўлажак йиғилишига эътибор қаратмоқда: кутилган танаффусга қарамай, бозор иштирокчилари **2026 йил** охиригача ставкани камида **икки марта оширишни** режалаштирмоқда. Рубль нефтнинг нисбатан юқори нархлари фонида экспорт даромадларининг юқори оқими ҳисобига қўллаб-қувватланмоқда.

## Пул бозори




FedWatch воситасига кўра, бозор жорий йилда Федерал захира ставкасини пасайтиришни тўхтатмоқда, Европа Марказий банки эса янада қатъийроқ траектория, жумладан, **50 фоиз** бандга ошиши кутилмоқда. **Россия банки** директорлар кенгаши **2026 йил 24 апрелда** асосий ставкани **50 фоиз бандга**, йиллик **14,50 фоизгача** пасайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

## Хомашё бозори



Қимматбаҳо металллар **17 апрелдаги** чўққилардан кейин тузатишга ўтди. Жума кунига келиб, олтин нархи **4 709 АҚШ долларигача** тушди, кумуш эса фойда қайд этилиши ва дипломатияга бўлган умидлар фонида **75,7 АҚШ долларига** етди. Тузатишга қарамай, котировкалар марказий банклар можаро туфайли юзага келган инфляцияга қарши курашиш учун юқори ставкаларни узоқроқ ушлаб туриши кутилаётгани сабабли босим остида қолмоқда.



Ормуз бўғози блокадаси атрофидаги янгиликлар фонида энергия нархлари юқори ўзгарувчанликни кўрсатмоқда. Жума кунга газ бир МВт/соат учун **44 еврогача** ўзгариб, Исломободдаги дипломатик ютуқ умидлари туфайли ўсиш сериясини тўхтатди, бироқ hafta охирида котировкалар барибир **13 фоиздан** кўпроққа кўтарилди. Маҳаллий нефть нархининг **106 долларгача** пасайишига қарамай, жаҳон суюлтирилган табиий газ етказиб беришнинг бешдан бир қисмининг блокраниши глобал бозорга мисли кўрилмаган инфляцион босим ўтказишда давом этмоқда.

## Охирги ҳафтанинг асосий воқеалари



**20 апрель.** Хитой регулятори биринчи даражали қарз олувчилар (LPR) учун кредит ставкасини ўзгаришсиз қолдирди: бир йиллик кредитлар учун 3,45 фоиз ва беш йиллик кредитлар учун 3,95 фоиз. Ушбу қарор бозор кутилмаларига мос келди ва Пекиннинг кескин ҳаракатларсиз иқтисодиётни эҳтиёткорлик билан рағбатлантириш йўналишини тасдиқлади. Хитойда ставкаларнинг барқарорлиги саноат металлари нархларини қўллаб-қувватлади ва юань позициясини мустаҳкамлади.



**20-22 апрель.** Тошкент 30 дан ортиқ мамлакат делегацияларини қабул қилиб, минтақавий саноат интеграцияси марказига айланди. Металлургия ва энергетика соҳаларида "ақлли" ишлаб чиқариш ва рақамли технологияларга алоҳида эътибор қаратилди. Форум натижасида янги ишлаб чиқариш занжирларини яратиш бўйича келишувларга эришилди, бу эса минтақанинг ўсиб бораётган саноат маркази сифатидаги мақомини тасдиқлайди.



**23 апрель.** PMI индекслари бўйича дастлабки маълумотлар Европа иқтисодиёти, айниқса хизматлар соҳасида кутилмаган барқарорликни кўрсатди. Шу билан бирга, АҚШ ишлаб чиқариш сектори юқори логистика харажатлари туфайли секинлашиш белгиларини кўрсатди. Бу статистика долларга босимни кучайтирди, чунки инвесторлар Европа Иттифоқи иқтисодиёти Америка иқтисодиётига қараганда тезроқ тиклана бошлаши мумкинлигини тасдиқлади.



**23 апрель.** RBНинг Ўзбекистон Марказий банкида вакиллик ҳисобварақлари очилиши расман тасдиқлангани маҳаллий молия бозори учун муҳим воқеа бўлди. Бу қадам Европанинг йирик ўйинчисининг Ўзбекистон давлат облигациялари бозорида бевосита иштирокини таъминлади. Тадбир ДҚҚ иккиламчи бозоридаги савдолар ҳажмининг ўсишига ва институционал инвесторлар томонидан ишончининг ошишига хизмат қилди.



**21-24 апрель.** Технология гигантларининг чораклик ҳисоботлари, айниқса булутли технологиялар ва сунъий интеллект билан боғлиқ сегментларда, таҳлилчиларнинг даромад кутилмаларидан ошиб кетди. Ижобий молиявий натижалар S&P 500 индексига ой бошидаги йўқотишларни қоплашга ва янги даражаларда мустаҳкамланишга ёрдам берди. Кучли корпоратив сектор макроиқтисодий ноаниқликка қарши мувозанат бўлиб, бозорларни чуқур тузатишдан тўхтатди.



**23-24 апрель.** Европа Иттифоқининг 27 давлати раҳбарлари Яқин Шарқдаги вазият ва иттифоқнинг 2028-2034 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли бюджетини муҳокама қилиш учун Кипрда йиғилди. Асосий эътибор кема қатнови эркинлигини таъминлаш ва фуқароларни қазиб олинадиган ёқилғининг юқори нархларидан ҳимоя қилишга қаратилди. Учрашув якунида Европанинг энергетика мустақиллигини мустаҳкамлаш ва Украинани молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги босқичига тайёрлик тасдиқланди.

## Ойлик кутилаётган воқеалар



**28 апрель** куни Япония Марказий банки фоиз ставкасини кўриб чиқади, таҳлилчилар эса инфляциянинг янгиланган прогнозларига эътибор қаратган ҳолда унинг 0,75% даражасида сақланиб қолишини кутишмоқда. Шундан сўнг, 29 ва 30 апрель кунлари АҚШ Федерал захира тизими ва Европа Марказий банки пул-кредит сиёсатининг кейинги йўналиши ҳақидаги сигналларга эътибор қаратган ҳолда асосий ставкаларни ўзгаришсиз қолдириш эҳтимоли юқори.



**29 апрель** куни Ўзбекистон Марказий банки асосий ставка даражасини қайта кўриб чиқади. Март ойида инфляция секинлашганига қарамай, ставка жорий даражада сақланиб қолиши эҳтимоли юқори. Регуляторга дезинфляция жараёнларининг барқарорлигига ишонч ҳосил қилиш учун кўшимча вақт керак бўлиши мумкин.



**1 май**, жума куни бутун дунёда **Меҳнат куни** нишонланади, шу муносабат билан Европа, Хитой ва Япониянинг аксарият бозорлари ва банклари ёпиқ бўлади. Шу кун давомида валюта бозоридаги савдолар ҳажми кескин камайиши кутилмоқда.

Ушбу ҳужжат фақат ахборот мақсадлари учун мўлжалланган ва ҳеч қандай молиявий инструментни сотиб олиш ёки сотиш таклифи эмас, шунингдек, индивидуал инвестиция тавсияси сифатида қаралмаслиги керак.

Ундаги маълумотлар оферта, оммавий оферта ёки инвестиция фаолиятида иштирок этишга таклиф ҳисобланмайди. Ҳужжат даромадлилик кафолатларини ўз ичига олмайди, инвестиция мақсадлари, молиявий ҳолати ёки муайян инвесторнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмайди.

Инвестиция қарорларини қабул қилишдан олдин рисклар, фойдалар, шунингдек, юридик, солиқ ва бошқа оқибатларни мустақил баҳолаш тавсия этилади. Даромадлилик бўйича илгари эълон қилинган маълумотлар келажакда шунга ўхшаш натижаларни олишни кафолатламайди.

Ҳужжатда ишлатилган логотиплар ёки савдо белгилари (агар мавжуд бўлса) фақат маълумот учун тақдим этилган ва тегишли брендларнинг ҳамкорлиги, маъқулланиши ёки рекламасини англатмайди.

Ушбу материалдаги атамалар ва таърифлар фақат кўриб чиқиладиган молиявий воситалар доирасида қўлланилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган юридик таърифларга мос келмаслиги мумкин.

Материал очиқ манбаларга асосланган, маълумотлар олдиндан огоҳлантирмасдан ўзгартирилиши мумкин. Ташкilot тақдим этилган маълумотлардан фойдаланиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарлар учун жавобгар эмас.

Ушбу шарҳ давлат, рус ва инглиз тилларида тақдим этилган. Тил версиялари ўртасида ҳар қандай тафовут ёки фарқ бўлган тақдирда, рус тилида баён этилган матн ҳал қилувчи ҳисобланади.

## Эътиборингиз учун раҳмат!

"Asia Alliance Bank" АТБ

Ҳазначилик бошқармаси

Махтумқули к., 2А, Тошкент ш., 100047

Тел: +998 71 231 60 00 (1241) | (1048)

e-mail: Davron.Mahmudov@aab.uz, Azizbek.Suyunov@aab.uz

вебсайт: www.aab.uz

